# ЁЗ ЎТДИ, ФУТБОЛ ЎЙНАБ

**(Боши 1-бетда)**

Ўз мақсадига мос равишда номланган «Футболимиз келажаги» турнирининг бу йилги Мустақиллигимизнинг 10 йиллигига бағишланган мавсумида юз минг атрофида болалар ва ўсмирлар иштирок этди. Бу мусобақа натижалари газетамиз орқали эълон қилиб борилди. Энг сўнгги баҳс 15-16 ёшлиларнинг финал учрашуви Тошкентдаги «Жар» спорт мажмуида бўлиб ўтди ва унда пойтахт шаҳар Акмал Икромов туманининг Оқмачит ва Наманган шаҳрининг Ҳақиқат маҳаллалари беллашишди. Оқмачит кубок соҳиби бўлди. Ҳақиқат иккинчи, учинчи ўрин соҳиби Бухоро шаҳрининг Навоий номли ва Қашқадарё вилояти Косон туманининг Навбаҳор жамоаларига насиб этди.

Яна бир ёз ўтди.Бу давр маҳаллалар учун деярли футбол мавсуми бўлди. Хўш, бу нима берди, аниқроғи ундан кутилган мақсадлар сари қандай ютуқларга эришилди. Биз бу ҳақда турли фикрларни газетамизнинг кейинги саҳифаларида эълон қилиб борамиз, албатта.

Биз ҳозирча ҳеч иккиланмай айтишимиз мумкин: тадбир футболнинг оммавийлигига катта ҳисса қўшди. Ҳозир мамлакатимиз бўйлаб футбол майдонларининг анча кўпайди, болаларни-ку қўяверинг, ҳар бир ота-она, оқсоқол футбол ҳақида ўйлай бошлади. Болалар орасида иқтидорлилар кўзга ташланди. Буларни танлаш, келажаги ҳақида ўйлаш учун футбол мутасаддиларига имкон яратилди. Яна бир муҳим томони - болалар таътилда турли эгри йўлларга эмас, спортга жалб этилди. Бу ўринда кўнгилли маълумотлар ҳам бор: болалари жиноят йўлига кирмаган маҳаллалар сони 3-4 бароварга кўпайди.

Келажагинг порлоқ бўлсин, «Футболимиз келажаги».



Маҳалла болалари футболи Президенти этиб машҳур футболчи Эркин Абдураимов сайланди

**Суратда: ғолиб Оқмачит маҳалласи жамоаси ундан совғаларни қабул қилмоқда.**

# ИБРАТЛИ ОҚСОҚОЛНИНГ ЯНА БИР ИБРАТИ



**Наманганнинг Ҳақиқат жамоаси иккинчи ўрин соҳиби бўлди.**
**Суратлар муаллифи Э.УМАРОВ.**

Бугунги кунда Ҳамза тумани А.Назаров номли маҳалла оқсоқоли Собир ҳожи Комиловни нафақат пойтахтимизда балки республикамизда ҳам кўплаб маҳалла мутасаддилари яхши танийдиган бўлиб қолди. Газетамизда бу оқсоқолнинг маҳалла, маҳалладошлари ҳаёти фаравонлиги учун қилаётган баракали ва самарали ҳаракатлари ҳақида жуда кўп ёзилди. Ўтган йили оқсоқол Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг «Тадбиркор маҳалла оқсоқоли» кўрик-танлови ғолиби бўлган бўлса, ушбу йилда «Энг ибратли оқсоқол» номинацияси бўйича ғолиб бўлди. Шунингдек, ушбу йилда ободонлаштириш ишлари бўйича ҳам Пойтахт шаҳри ғолиби бўлди.

- Собир ака ўтган йили туманнинг ўз маҳалласига тегишли ташландиқ ерини тозалаб, футбол майдони қурган эди. Ушбу йилда эса туман маҳаллалари ва корхоналари ўртасида 30 ёшдан катта фуқаролар иштирокида футбол биринчилиги ташкил этди. Яқинда Аҳмаджон Назаров номли ва Миршаропов номли маҳаллалар жамоалари ўртасидаги финал босқичида минглаб одамлар йиғилди. А.Назаров номли маҳалла ғолиб бўлди. Ғолиблар ва бошқа қатнашчиларга ҳатто Ўзбекистон футбол федерацияси, жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, ташкилотлар томонидан ва албатта Собир аканинг ўз совғалари топширилди.

Шу ўринда йиғилганлар Собир аканинг жамиятимизнинг ҳар бир томонига бефарқ эмаслигига тасанно айтишди. Бир ўйлаб кўрайлик, ҳақиқатдан ҳам шу ёшдаги эр-йигитларнинг иш, оила ташвишлари билан банд бўлиб қолиши, шу ёшдагиларнинг кўплаб ташкилот, тадбирларга жалб қилинмай қолаётганлиги сир эмас. Собир ака шуни ҳам англаган эди.

**Мухбиримиз.**

# ЯНГИ ТЕХНОЛОГИК ТИЗИМ

«Қаршитермопласт» заводида маҳаллий хом ашёдан йилига тўрт минг километр газ ва сув қувурлари ишлаб чиқарадиган янги технологик тизим ишга туширилди.

Завод Германиянинг «Эрмафа» компаниясидан 1 миллион 930 маркага замонавий асбоб-ускуналар сотиб олди. Янги тизимнинг тақдимот маросимида қатнашган Саксония ўлкаси иқтисодиёт ва меҳнат вазири жаноб Кайо Шоммер, «Эрмафа» фирмаси бошқарувчиси жаноб Уве Хартман Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларга юқори баҳо бериб, бундай ҳамкорлик иккала томон учун ҳам манфаатли эканлигини таъкидлади. Шу куни «Қаршитермопласт» ҳамда «Эрмафа» фирмаси ўртасида яна бир шартнома имзоланди. Унга кўра «Эрмафа» заводга янги маҳсулот - фитинг ишлаб чиқаришга мўлжалланган асбоб ускуналар етказиб берадиган бўлди.

# Шукроналик

Буюк хизматлари эвазига бугун Президентимиз Фармонлари билан бир қатор санъат ва адабиёт намоёндалари "Буюк хизматлари учун" ордени билан тақдирланди. Улардан бири Ўзбекистон халқ артисти Аббос Бакировдир. Марҳум санъаткорнинг қизлари Ўзбекистон Республикаси халқ артисти Ойбарчин Бакирова бу юксак мукофот учун ўзларининг миннатдорчиликларини қуйидагича намоён қилдилар:

- Оиламизда шундай байрам, шодиёналик, хурсандчилик 1998 йил онам Ўзбекистон халқ артисти Қамара Бурнашева "Эл юрт ҳурмати" орденига сазовор бўлганларида ҳам юз берган эди. Энди отамизга берилган буюк мукофот бутун оиламизга, қолаверса барча санъаткорларга берилган инъом, улар хизматига берилган муносиб баҳо деб биламан. Бунинг учун Президентимизга, шу ишни амалга оширишда бош-қош бўлган ҳукуматимиз раҳбарларига, "Ўзбектеатр" раҳбариятига миннатдорчилик билдираман, кўпдан-кўп раҳматлар айтаман. Бундай тақдирлов нафақат мени, отамнинг издошлари бўлиб келаётган юзлаб санъаткор шогирдларни ҳам қувонтирди, қалбларига шодлик уруғиги экди. Ўйлайманки, бундай эътибор бошқа санъаткорларга ҳам илҳом бағишлайди, юракларида жўшқин ғайрат-шижоат уйғотади. Бу сингари хайрли ишлар марҳумлар хотирасини ёд этиш, улар хизматини қадрлашга катта ҳисса қўшади. Ўзбекнинг аждодлари бугун қадр - эъзоз топмоқда. Зеро, бундай саъй-ҳаракатлар бугунги ёшларимизни ҳам маънан бой, одобли, билимли бўлиб вояга етишларига ҳам муносиб улуш қўшади.

Фурсатдан фойдаланиб, мен Мустақиллигимизнинг 10 йиллиги байрами билан бутун ўзбек халқини - отахонлару оналаримизни, ака-укаларимизни, опа-сингилларимизни, ҳамкасбларимни, барча-барчани қизғин табриклайман.

**Ойбарчин Бакирова,**
**Ўзбекистон халқ артисти.**

***ТАҲРИРИЯТДАН: Аббос Бакиров ўзининг дастлабки фаолиятини 30-йилларнинг бошида Й. Охунбобоев номидаги Андижон вилоят мусиқали драма ва комедия театрида саҳналаштирилган "Халима", "Рустам", "Ромео ва Жульетта" сингари спектаклларда катта-кичик ролллардан бошлаган. Мухлислар Аббос Бакировни "Абу Али ибн Сино", "Армон", "Икки дил достони", "Ўтган кунлар" каби ўлмас фильмлар орқали ҳам яхши билишади. Санъаткор табиатидаги интилувчанлик, қатъиятлик каби фазилатларини ўз ролларига ҳам олиб киришга ҳаракат қилган. Аббос Бакиров режиссёр сифатида "Алишер Навоий", "Шоҳи сўзана", "Холисхон", "Нурхон", "Нодира", "Лайли ва Мажнун" сингари 40 дан ортиқ спектаклларни саҳналаштирган. Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати.***

# ЎРДА ЗАМИНИДА ИСТИҚЛОЛ ТАСВИРИ

*Йўлимиз тушиб, пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур тумани Ўрда маҳалласи гузарида бўлдик.*

*Ҳозирда маҳалла гузарлари мустақиллигимиз туфайли тикланаётган қадриятларимиз тимсолига айланиб бормоқда. Замон андозаларига мослаб қурилган, ўз таркибида бир қанча хизмат кўрсатиш турларини мужассам этган мазкур гузар кўзни қувонтиради.*

- Урда маҳалласи, - дейди маҳалла оқсоқоли, меҳнат фахрийси Тоймас ака Ҳайитов, - 1996 йилда ташкил бўлган. Унинг ҳудуди ҳийлагина катта. Маҳалламиз ҳудудида жойлашган кўп қаватли уйларда 800 дан ортиқ хонадонда ҳар хил миллатларнинг уч мингга яқин вакиллари истиқомат қилишмоқда.

Маҳалла оқсоқоли бизга шу ҳудуддаги 11-мавзе А ва Б блоклар - деб аталувчи кўп қаватли уйлар (шу ўринда мазкур кўп қаватли уйлар мустақиллигимизга 10 йил тўлишига қарамай собиқ шўро давридаги номлари ўзгартирилмагани ва бу ҳол мутасадди ташкилотларни асло ташвишлантирмаётгани алоҳида айтиб ўтишни лозим топардик) фуқаролари ва мазкур уйлар вакили Тожихон Қобилова олиб бораётган ишларни алоҳида таъкидлади. Ҳақиқатан ҳам ушбу уйларнинг кўп миллатли аҳолиси уй-жойларни озода ва саранжом сақлаш, уй олди майдонларини ободонлаштиришда талайгина ишларни ҳашар йўли билан амалга ошираёттан эканлар.



Биз у ерда бўлганимда мазкур уйларда яшовчи, истиқлолимиз тенгдошлари бўлган ўн ёшли ўғил, қизлар ўртасида асфальтга расм чизиш бўйича кўрик ўтказилаётганининг гувоҳи бўлдик. Болажонларимиз ўзлари бир кун аввал ювиб, орасталаган уйлар оралиғидаги асфальт майдончасида расм чизишар эканлар, улар кўзларидаги қувонч, табассум, ғурурдан шодландик ва ана шу туйғуларни бу ерда ҳозир бўлган ҳар бир ота-онада ҳам зоҳир бўлганига гувоҳ бўлдик.

Халқимизда «Ўнга кирдинг, сонга кирдинг» деган нақл бор. Истиқлолимиз ўн ёшга тўлар экан, энди кўплаб қийинчиликлар ортда қолди, деган умидбахш туйғу дилларда мавж уради .

Турли рангдаги бўрларда ўндан ортиқ болажонларимиз бирин-кетин асфальтга турли расмларни чизар эканлар, вазифага улар нечоғлик жиддийлик билан ёндошаётганларига гувоҳ бўлдик.

Қатнашчилар ўз ижодларини оғзаки тасвирлаб ҳам бердилар. Жумладан, Нилуфар Абдуллаева ўз расмига изоҳ берар экан, «Мана бу бизнинг уйимиз, яшаш жойимиз, манависи майдончамиз, манависи эса ҳовуз, унинг ёнидагиси бўлса, арғамчи» деганида атрофдаги тенгдошлари «Бизда ахир ҳовуз, арғамчи йўқку» деб эътироз билдиришди. Шунда дилбар қизалоқ Нилуфар «Мустақиллигимиз борми, бор, демак энди ҳовуз ҳам, арғамчи ҳам бўлади» деб билағонлик билан жавоб берганида, кўпчилик ота-оналарнинг ҳам қалби ифтихорга тўлди.

**Ш. ЁҚУБОВ.**

## Қалб ташналиги

***Абдул Жамол Жаъфар эрталабки самолётда Бухорога учиб келганида соат саккиздан қирқ минут ўтганди. Қуёш чарақлаб турибди. Енгилгина шабада димоққа хуш ис уради. Баҳор гулларининг иси. Ҳузур қилади киши. Ана шунданми, аэропортдан чиққанда, меҳмон кўча эшик остонасида бир нафас туриб қолди. Атрофни кузатди. Бу ерда келиб-кетувчилар ҳам, кутиб олувчилар ҳам кўп эди. Қаторасига териб қўйилган турли русумдаги енгил автомашиналар меҳмонларни шаҳарга бирин-сирин олиб кета бошлади. Абдул Жамол Жаъфар ҳам ана шуларнинг бирига, «Нексия»га чиқиб ўтирди.***

# ОТА ВАСИЯТИ БАЖО БЎЛДИ

Меҳмон ўз хаёлу ўйлари билан банд. Кўча, йўл бўйларидан кўз узмайди. Ҳайдовчи дарров фаҳмлади: «У анчадан бери Бухорода бўлмаган экан».

Абдул Жамол Жаъфар шаҳарга кириб келаётганларидагина ҳайдовчига бир қараб қўйди. Қора қош, қорамағиз, сал чўзинчоқроқ юзли, ёши нари борса йигирма бешлардаги йигит унга кимнидир эслатди. Танишдай кўринди.

Шунда ботинмайгина сўради: «Сиз асли Бухороданми?»

- Ҳа, меҳмон ака, шу ерликман. Ўзингиз-чи? - сўради йигит. Меҳмон жавоб ўрнида чуқур хўрсиниш билан деди:

- Бухорони кўриш орзусида юрганлар яна қанча экан?! -деб пичирлагандай овоз чиқарди.

У нега шундай деди, ҳайдовчи англолмади. Бир муддат индамай кетаверди. Сўнг таскин аломатида деди:

- Ҳали кўрасиз. Шаҳарга буткул кириб борганимизча йўқ. Бир кўрсангиз кетгингиз келмай қолар...

- Регистон, тим бозорлари ҳали ҳам борми? Мадраса-масжидлар бузилиб кетмаганми?

- Ие, нималар деяпсиз, ака?! Аввал бир айланиб кўринг, кейин сўрарсиз.

Улар бошқа гаплашишмади. Машина шаҳар марказидаги муҳташам меҳмонхона олдига келиб тўхтади. Абдул Жамол Жаъфар машинадан тушаркан, ҳайдовчини дуо қилиб, миннатдорчилик билдирди-да, йўл четроғига чиқиб турди. Меҳмон дастлаб рўпарадаги осмонўпар бинога кўз ташлади. «Биронта маъмурий идора бўлсак керак», - деб ўйлади. Сўнг анча олислардан кўриниб турган мезанага ўхшаш баланд иморат пештоқига кўзи тушди. Шунда ички бир туйғу уни шошира бошлади. У меҳмонхонага кириб кетди. У ерда узоқ қолиб кетмади. Ташқарига чиққанида унинг қўлларида юклари йўқ эди. Эгнида этаги тиззасидан пастигача тушиб турган йўл-йўл юпқа шойи матодан тикилган чопон, бошида гилам духоба дўппи, оёғида жигарранг паст пошнали ёзги туфли. У шу кўринишда истараси иссиқ, келишган бир йигит каби эди. Уни ҳеч ким ёши элликка чиққан хорижлик меҳмон деб ўйламасди. Думалоқ оппоқ икки юзидан, тийрак қўй кўзларидан, хушбичим гавдасидан соғломлиги сезилиб турарди.

Абдул Жамол Жаъфар Чашмаи Аюб яқинидаги чойхонада нонушта қилди. У ёғоч сўрилардан бирида ўтирганча чой ичаркан, атрофдан кўз узмасди. Мўъжазгина яшил боғни айланиб, ўтаётган автомашиналардан тортиб йўловчиларгача ҳеч бири унинг назаридан четда қолмасди. «Шу одамларнинг ҳаммаси ҳам намоз ўқирмикан ё?» - деган ўй ўтди унинг кўнглидан.

Ниҳоят у дастурхонга фотиҳа ўқиб ўрнидан турди. Арк томонга юра бошлади. Афтидан, шаҳар бўйлаб саёҳатни , Амирлик Аркидан бошлашга қарор қилганди.

Арк доимгидек, одамлар билан гавжум. Дарбозадан кираверишда тош йўлнинг ҳар икки томонида кичик савдо расталари жойлашган. Турли тақинчоқлар, зардўзлик ва заргарлик ёдгорлик буюмлари, кийим-кечаклар сайёҳ эътиборини ўзига жалб этади. Айниқса, дасталари нақшинкор рўзғор пичоқлари, девор гиламларига осиб қўйишга мўлжалланган қиличлар, келин-куёвлар сарупалари диққатни тортади. Бу расталар атрофида кўпроқ мактаб ўқувчилари - болалар уймаланишади. Афтидан ўқитувчиси уларни Аркни кўрсатгани олиб келган кўринади. Ўқувчилар ўттиздан ошиқ. Орадан кўп ўтмай бир гуруҳ катта ёшдаги эркагу аёл сайёҳлар кириб келишди. Овврўпача кийинган, деярли барчалари оқ сариқ юз, жамалак сарғиш сочли бўлган бу кишилар ташқи кўринишданоқ узоқ Америкадан келишганлигини пайқаб олиш қийин эмасди. Улар инглиз тилида бир-бирларига алланималар ҳақдадир сўзлаб келишар, баъзилари бўйниларига осиб олган фотоаппаратни ишга солиб, тошҳовлини суратга оларди. Ажамликлар кўп ўтмай ичкарига, ҳужраларни кўргани кириб кетишди. Абдул Жамол Жаъфар уларга индамай қараб қолди. У инглизчани билгани учун меҳмонларнинг Арк ҳақида илиқ гаплар айтаётганликларини тушуниб турарди.

Давлат музейи қўриқхонасига айлантирилган ва ҳамиша сайёҳлар билан гавжум бўлган Арк ичи, хоналарга қўйилган тарихий ашёлар, амирлик даврига оид кийим-кечаклару турли ноёб тақинчоқлар, ўтмиш хотираларини тиклашга ёрдам бергувчи хуллас, ўтмишга доир барча-барча кўргазмалар кишига таъсир этмай қолмасди. Гўё шу онда мозий билан учрашиб, унинг кўчаларидан ўтиб бораётгандай бўларди.

Америкалик сайёҳлар Амирнинг 20-йилда осмондан аэропланда бомбардимон қилиниши оқибатида кунпаякун қилинган, бизнинг давримизга келиб, қайта тикланган ёзги қабулхонасини томоша қилишаётганда Абдул Жамол Жаъфар Регистон деворидан бутун шаҳарни кўздан кечираётганди. Кўчаларда ҳаёт қайнаб, йўллар тобора серқатнов бўла бораётганди. Ғир-ғир шабада эсиб турибди. Ёқимли, кўнгилда илиқ ҳисларни уйғотарди. Сайёҳ Минораи Калон томонга қаради. Қадим масжидни, Мири Араб мадрасасини бориб кўргиси келди. Шу ниятда у Аркдан чиқди-да, пиёда йўлга тушди.

Бир вақтлар, ҳали у йигирма ёшларидамикан, отаси унга васият тарзида шундай деганди:

- Ўғлим, мен ҳали бешикдан отам, яъни сенинг бобонг онамни олиб Ватандан чиқиб кетишга мажбур бўлишган экан. Бу 1920 йилга тўғри келади. Бу вақтда Бухорода не-не азобу уқубатли воқеалар бўлганлиги отаму ёлғиз Оллоҳнинг ўзигагина аён. Фрунзе одамлари Бухорони эгаллаб, бутун ғазнани талашибди. Бизнинг оиламиз, қавму қариндошлар базўр жон сақлаб қолишган, чегарадан уқубатда ўтиб олишган экан. Мен бир умрга ота юртимни кўриш орзуси билан яшадим. Бухорога бориш, уни кўриш сенга насиб этгудай бўлса, Имом Бухорий ҳазратлари яшаган ҳовлини излаб топ. У кишининг руҳларига бағишлаб тиловат қил. Масжидга кир, намоз ўқи, ҳаққимизга ризолик сўра... Агар мен назарда тутган Минораи Калон жойида бўлса...»

Отаси шундай дея унинг қўлига бир парча қоғоз тутганди. Унда Имом Бухорий яшаб ўтган ҳовли, уй жойлашган жой режаси чизилган, шунга қараб уни топиб бориш осон эди. Абдул Жамол Жаъфар шу васиятга кўра Минораи Калонга кетаётганди.

Соғиниш... фақат одам боласигагина хос туйғу бўлса керак. Дунёда Ватандан айро, олис ва мутлақ бегона юртларда яшашдан ортиқ азоб ҳам йўқ. Буни фақат бошидан кечирганларгина билишади. Шулар қатори ҳикоямиз қаҳрамони ҳам...

У Минораи Калонга элтувчи тош ғиштин йўлдан бораркан ички бир туйғу шошилтираётганлигини ҳис этди. Ҳар икки томони савдо раста дўконлари бўлмиш йўлни шунчаки йўл деб бўлмасди. Шунга ўхшамасди ҳам. Мисоли катта тош ҳовлию, ҳозир эгалари пешвоз чиқиб, меҳмон билан илиқ сўрашишади. Йўловчилар ва ё дўконларга кириб чиқиб турган каттаю кичик ёшдаги кишилар ўзаро саломлашиб ўтишар, танишлар бўлса бир муддат бир-бирларидан ҳол-аҳвол сўраб, қавму қариндошлари, ёру биродарлари авҳолотидан оғиз очардилар. Ажамлик меҳмон буларни кўргандаёқ ички ҳаваси уйғонди: «Қандай соз! Улар ҳамиша биргалару, лекин соғиниб яшарканлар. Оқибатли кишилари бор.»

Абдул Жамол Жаъфар табиийки, кўп нарсалардан бехабар. Унинг наздида қачонлардир большовойлар бомбардимони остида қолиб кетган масжиду мадрасалар ҳозир ҳам хароб ҳолда ётибди. Бу ерларга ҳеч ким кирмайди ва намоз ўқимайди. Намоз ўқиш ниятида бўлганларни эса...

Ҳар бир қарич ери бутун бир тарихни бошидан кечирган кўҳна Бухоро Абдул Жамол Жаъфар тош ҳовлини айланиб чиқди, масжиднинг ҳужраларини кўрди. Мири Араб мадрасасига кириб муллаваччалар билан суҳбатлашди. Сўнг қадимдан сақланиб қолган тор йўлак билан маҳаллага борди. Бу ерда Имом Бухорий ҳазратлари яшаган ҳовлини кўриш ниятида эди. Қарангки, тор кўча бошидаги зардўзлик дўкони олдида истараси иссиқ, ўрта бўйлик, ихчам гавдаликкина, ёши нари борса қирқ бешлар атрофидаги бир киши билан суҳбатлашиб қолди. У такаллуф билан сўрашиб, ўзини танитди. Шу ерлик уста зардўз Бахшулло Жумаев экан. У меҳмонни дўконига таклиф этди. Манзиратдан бош тортолмаган Абдул Жамол мезбон олдига тушиб, дўконга кирди. Дўконнинг бир тарафи тайёр зардўзлик буюмлари - дўппи, чопон, аёлларнинг турли либослари қўйилганди. Кўз кўриб қувнайди. Қизиғи шундаки, бу ерда ўн чоғли қизлар ипларда кийим-кечаклар тикиб ўтиришарди. Кичик ишлаб чиқариш ҳам, савдо растаси ҳам шу ерда эди.

- Дунёнинг 23 мамлакатида ўз ҳунаримни намойиш этганман. 1994 йилда Покистоннинг Исломобод шаҳрида жаҳон усталарининг I-халқаро анжуманида қатнашганман. Бу ерда 70 дан ошиқ мамлакат усталари қатнашишган. Анжуман «Усталар иш устида» деб аталарди. Унда ҳар бир уста ўз касбини намойиш этган. Оллоҳга шукрки, беш минг уста орасида бизнинг ҳунаримиз энг яхшиси деб тан олинганди, - дея ҳикоя қилади у меҳмонга.

- Намоз ўқийсизми? - сўради у келинларга атаб тикилган заррин ҳошияли дўппини қўлга олиб кўраётиб. Зимдан мезбонга қараб қўйди. Нима деяркин, деган ўйда оғзини пойлади. Бахшулло ҳеч иккиланмай жавоб берди:

- Алҳамдуллиллоҳ, мусулмонман. Намоз ўқиш фарзим. Жума намозларига чиқаман. Ҳозир сиз кўрган Масжиди Калон ҳайит намозларида одам билан тўлиб кетади.

Абдул Жамол Жаъфар эски маҳаллани айланди. Бу ерда йигирмадан ошиқ ҳовлида хорижлик меҳмонлар учун қадим услубда уй-жойларни аждодлар давридагидай сақлаб қўйишган экан. Хоналарга кирган киши худди ўтмиш даврга тушиб қолгандай ўзини ҳис этарди. Абдул Жамол Жаъфар ҳам дастлаб шуни ҳис этди. Шом намозини Масжиди Калонга кириб ўқигач, изига қайтди. Хорижлик қўним топган меҳмонхонага қайтганида батомом ҳолдан тойган, лекин кайфиятида мутлақо бошқача ҳолат юз берган сайёҳга айланганди. У энди кечаги ёки бугун эрталаб самолётдан тушган турист эмас, балки ўз ота юртининг бугунидан тўла хабардор ва унинг қайноқ ҳаётига қўшилиб кетган асли бухороликдай ҳис этарди, ўзини.

Абдул Жамол Жаъфар кечки нонуштадан сўнг қўлига қалам-қоғоз олди. Бир муддат ўйга ботиб турди-да, сўнг ёза бошлади:

- Ота, мен бугун биргина Имом Бухорий ҳовлисида ёхуд ўзинигина эмас, юзлаб Имом Бухорийларни кўргандай бўлдим. Улар ўз эътиқодига мустаҳкам, Оллоҳга имон келтириб, масжидларини гавҳардай асраётган менинг ватандошларим. Улар шундай яшарканлар...

Эртаси хорижлик Ғиждувонга, машҳур кулол Ибодулла Нарзулланинг фарзандлари, дунёнинг саккиз мамлакатида бўлиб, ўз кулолчилик санъати билан машҳури жаҳон бўлмиш Алишер ва Абдулла Нарзуллаевларнинг уй музейини кўргани кетди. Аёнки, у бу ерда ҳазрати Абдухолиқ Ғиждувоний мақбарасини ҳам зиёрат қилади, масжидларда бўлиб, юртдошлари билан беш вақт намозни адо этади.

**Бобурбек ҚУДРАТОВ.**

## БУЮК ИПАК ЙЎЛИДАН

# МАНЗИЛ

***Кейинги йилларда олиб борилган археологик ва этнографик тадқиқотлар ўтмишда Бухоро хонлигининг Ғузор-Шеробод-Термиз ҳамда Келиф-Кўҳитанг-Бойсун-Денов савдо йўлида Кўҳитанг тоғининг орқа томонида жойлашган Хомкон қишлоғининг жўғрофий ўрни катта аҳамият касб этганлигини исботламоқда.***

Ўтмишда Шеробод беклигига қараган Хомкон ҳудуди 100 минг гектарни ташкил этиб, ғарбдан Туркманистон республикасининг Чоршанги туманининг Хўжайфил қишлоғи билан, шимолдан Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод тумани билан, шарқдан Бойсун туманининг Шўроб, Дарбанд ва Сайроб қишлоқлари билан ва ниҳоят жанубдан Сувсиз тоғ орқали Панжоб, Тангидра орқали Хатак қишлоқлари билан туташгандир. Ҳудудининг 13 минг гектари табиий арчазор, лалми деҳқончиликка ярайдиган 8 минг гектар унумдор ери бўлган 1,5 минг гектар ерини турли хил мевали дарахтлар қоплаган, денгиз сатҳидан 1800-2300 метр баландликда жойлашган Хомкон аждодларимиз яшаб келган қадим манзилгоҳлардан бири ҳисобланади. Иқлим шароитининг қулайлиги, яъни ёзда ҳам ҳаво ҳароратининг 30-35 даражадан ошмаслиги, юзлаб серсув булоқлар ва денгиз сатҳидан 2000 метр баландликда мавжудлиги ҳам бу ҳудудни Буюк ипак йўли манзилларидан бирига айлантириб қўйган.

Қадимда Ғузор беклигидан Шеробод беклигига қараб йўлга чиққан савдо карвони Деҳқонбод, Қўрғонтош, Хўжаипок, Бўзтуба, Оқдаҳна ва Гардон орқали Хомкон ҳудудига ўтган ҳамда Тангидра (Тангидевол)га кириб Хатак қишлоғидан чиқиб келган. Жолмати, Аламли ва Хўжаулкан қишлоқлари бўйлаб юрган савдо карвони тўғри Нондаҳнадан ўтиб Шеробод беклигига марказига етиб келган. Нондаҳна дейилишига сабаб Шеробод беклигига кириб келаётган савдогарлардан шу ерда бож (йўл пули) олинган.

Савдо йўлининг бу йўналиши Ғузор-Деҳқонобод-Оқработ-Шўроб-Дарбанд-Сайроб-Калламзор-Шеробод йўналишига, шунингдек, Ғузор-Лайлимкон-Кўҳитанг-Қайнарота-Оқтош-Шеробод йўналишига қараганда карвонлар учун икки баравар қисқа бўлган.

Хомкон орқали ўтган савдо йўлининг иккинчи тармоғи Денов-Бойсун-Келиф йўналишидир. Бу йўналиш бўйича йўл олган карвон Дарбанддан Шўробга, сўнгра Гўрдара орқали Хомконга чиққан ва Хўжайфил ҳамда Кўҳитанг қишлоқлари билан Келифга ўтиб кетган. Бу йўналиш ҳам Денов-Бойсун-Дарбанд-Сайроб-Калламзор-Шеробод-Оқтош-Қайнарота-Келиф йўналишига қараганда жуда яқин бўлган.

Хомкон орқали ўтган савдо йўлининг учинчи тармоғи Шеробод-Хўжаулкан-Хатак-Хомкон-Хўжайфил-Кўҳитанг йўналишидир. Бу йўналиш ҳам ўзининг қулайлиги ва масофани қисқа қилишлиги билан Шеробод-Оқтош-Қайнарота-Бозортўба-Кўҳитанг-Хўжайфил йўналишига нисбатан алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Савдо йўлининг бу йўналиши ҳақида рус тарихчи-этнограф олими М.Н.Маев ўзининг қимматли фикрларини билдирган. (М.Н.Маев, «Очерки Бухарского Ханства» С-Петербург. 1879, 303-305 бет).

Юқоридагилардан шундай хулоса чиқаришимиз мумкинки, Ғузор томондан Шеробод орқали Термизга, Бойсун томондан Хўжайфил, Кўҳитанг орқали Келифга, шунингдек, Шербоддан Хўжаулкан, Хатак қишлоқлари орқали Хўжайфил ва Кўҳитанг қишлоқлари томон ҳаракат қилган карвонлар Хомконда бир-бирлари билан учрашишган. (Дала ёзувлари,2000 йил май). Қадимда савдо йўлларининг Хомкон орқали ўтган ва бир-бири билан кесишган тармоқлари ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Хомконнинг қадимги карвон йўли устида жойлашганлиги ва кўп асрлар давомида катта аҳамият касб этиб келганлигини у ердаги эски Қўрғонларнинг ва металл эритиб олинган хумдонларнинг қолдиқлари ҳам исботлаб турибди.Қўрғоннинг бири Ғузор-Шеробод йўли устидаги Лойбосди қўрғони бўлса, иккинчиси Бойсун-Туркманистон йўли устидаги Мунчоқ қўрғонидир. Археолог олим Ш.Пидаевнинг айтишича, Бу қўрғонлар Кушонлар империяси даврига тааллуқли экан. (Дала ёзувлари, 1986, май ойи). Ҳозирда чим босиб кетган Мунчоқ қўрғони бўйига 100 метр, энига 60 метрлар чамасида бўлиб, баъзи бир жойларнинг баландлиги 20 метрга етади. Қўрғон атрофида истеҳкомлар, яшаш жойлари қурилганлиги чим тагида қолиб кетган тош деворларнинг қолдиқларидан билиниб турибди.

Лойбосди қўрғони ҳам шунга ўхшаш тарзда қурилган, Ҳар иккаласи ҳам булоқ сувининг бўйида жойлашган. Хомконнинг Буюк ипак йўли устида эканлигини исботловчи яна бир томони қадимда ҳудуднинг уч жойидан чўян ва темир эритиб олинганлигидадир. Хомкон кўлининг ўйилиб кетаётган қирғоқ жойларида 3-4 метр чуқурликда сопол парчалари ва суякларнинг топилаётганлиги ҳам бу жойнинг қадимда Буюк ипак йўлининг манзили бўлганлигини кўрсатиб турибди. Юқоридагиларнинг ҳаммаси Хомконда археологик қидирув ишларини бошлаб юбориш пайти келганлигини тақозо этади. Зеро, ўтмиш тарихимизнинг шу давргача ер қаърида яшириниб ётган сиру-синоатлари тилга кириб қолса ажаб эмас.

**Ҳ.КИЧКИЛОВ.**

